Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ⊙№ 8 (7. 097) ⊙ 1990 йил 10 январь, чоршанба Баҳоси 3 тийин



Собир Раҳимов райони:

# САЙЛОВДАН–САЙЛОВГАЧА

18 февраль — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлари депутатлигига сайловлар куни

## РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

СОБИР РАҲИМОВ райони пойтахтимизнинг кўзга кўринган районларидан бири. Хўш, сайловдан-сайловгача бўлган муддатда бу ерда қандай ўзгаришлар юз берди? Аҳоли томонидан билдирилаётган истаклар қай тариқа амалга ошириляпти?

Ўтган йиллар давомида саноатнинг ишлаб чиқариш — техника базаси мустаҳкамланди. Бир қатор корхоналарда реконструкция ва техник қайта жиҳозлаш амалга оширилди. «Миконд», «Компрессор», «Геология-қидирув», тажриба-механика экскаватор ремонти заводлари, «Тошкент» ва «Металлообработка» бирлашмалари, бош кийимлар ҳамда ўйинчоқлар фабрикаларида янги қувватларнинг ишга туширилиши маҳсулот ҳажмини, уларнинг турларини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш имконини берди.

Ўтган йиллар давомида ишлаб чиқариш самарадорлиги сезиларли даражада ўсганлиги кузатиляпти. Фақатгина ўтган икки йил давомида уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми 6,6 миллион сўмга ошди. Меҳнат самарадорлиги эса 5,4 фоизга ўсди. Икки йиллик муддат ичида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 19,5 фоиз ўсиб, уларнинг ҳажми 153 миллион сўмликдан ошиб кетди. Шунингдек, бу вақтда 100 дан зиёд янги маҳсулотлар турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Район қурувчилари белгиланган объектларни ўз муддатида фойдаланишга топшириш, капитал қурилишда планлаштиришни яхшилаш бўйича катта ишларни бажардилар. Фақатгина 1989 йилда турли қурилиш объектларига 36,1 миллион сўм капитал маблағ ажратилди. Шу вақт ичида 12,5 минг квадрат метр турар жой фойдаланишга топширилди. Бугун районнинг турар жой фонди 27582 минг квадрат метрни ташкил қилади. Бу эса киши бошига ўртача 10,9 квадрат метрдан майдон тўғри келишини кўрсатади.

Районнинг Тансиқбоев, Марказ—17 ва 18, Беруний сингари турар жой массивларида маданий-маиший объектлар, савдо нуқталари комплекс равишда қурилди. Уй-жой қуриш учун кўплаб оилаларга ер ажратиб берилди.

Икки йил ичида 1568 ўринли 2та мактаб, 560 ўринли боғча фойдаланишга топширилди. Бугун районда 30та умумтаълим мактаби ва 69та мактабгача тарбия муассасаси мавжуд.

Сайловчиларнинг талабларига кўра районда ободонлаштириш тадбирларига алоҳида эътибор бериляпти. Икки йил ичида янги хиёбонлар, дам олиш майдончалари ташкил этилди, йўллар асфальтланди, йўлаклар ремонт қилинди.

Лекин бу билан районда фақат ижобий тадбирлар ўтказилди, ҳамма муаммолар ҳал қилинди деб бўлмайди. Район раҳбарлари олдида, депутатлар олдида бажарилиши лозим бўлган вазифалар талайгина. Келгусида саноат тараққиётига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Олдиндан белгиланган планларга кўра эски шаҳар муаммоси ҳал этилиши, бу ердаги хонадонлар учун қулай шароит яратилиши, кўчалар тартибга келтирилиши, транспорт хизмати яхшиланиши, турар жой массивларида комплекс қурилишлар давом эттирилиши лозим. Районда яқин келгусида Марказ — 17—18, Беруний микрорайонларида турар жой бинолари қурилиши давом эттирилади. Ободонлаштириш соҳасида Қорасарой кўчасида Қорақамиш каналига кўприк қуриш мўлжалланмоқда. Кўчаларни кўкаламзорлаштириш, янги хиёбонлар, дам олиш зоналари ташкил этиш ҳам кун тартибидан тушмайди. Район меҳнаткашлари 1985 — 1990 йилларга мўлжалланган иқтисодий ва социал тараққиёт планларини муваффақиятли адо этмоқда. Бу ишларга халқ томонидан сайланган депутатлар ҳам ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар. Эндиликда халқ раҳбарлардан, депутатлардан қуруқ ваъдаларни эмас, балки амалий ишларни талаб қиляпти. Шундай экан, 18 февралда депутатликка сайланадиган номзодлар зиммасига аввалги депутатларга нисбатан кўпроқ ва қатъийроқ талаблар қўйилади. Шундай экан, районда янада кўпроқ ижобий силжишлар юз берсин деймиз. Энг муҳими, белгиланаётган ҳар бир тадбир меҳнаткашларнинг саломатлиги, фаровонлиги, моддий турмушини яхшилашга қаратилсин.

**В. ТУРСУНОВА.**



«Шарқ» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларига бўлган талаб кундан-кунга ошиб боряпти. Бирлашма тайёрлов цехида Нафиса Толипованинг номини ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган пешқадамлар сафида тилга олишади. Бешинчи разрядли хом ашё тайёрловчи бугунги кунда умумий ишга муносиб ҳисса қўшиб, маҳсулотнинг аъло сифатини таъминлаяпти.

Р. Шарипов сурати.

## *Бир корхона янгиликлари*

Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонти заводи коллективи пахтакор-ирригаторларга турли машиналар ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш билан бирга халқ истеъмоли буюмларини тайёрлашга эътиборни кучайтирмоқда.

Корхонада рўзғорда қўлланиладиган ўндан ортиқ турдаги маҳсулот тайёрланмоқда. Улар орасида ванна жиҳозлари, клеёнка дастурхон, банка қопқоқлари, турли-туман целлофан пакетлар бор. Коллектив январь ойи топшириқларини муддатидан олдин бажаришга киришди. Савдо ташкилотларига 14 минг сўмликдан кўпроқ кенг истеъмол моллари етказиб бериладн.

⊙

Маълумки, 1989 йил январидан бошлаб кўплаб корхоналар қатори Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонти заводи коллективи ҳам илғор усулга ўтиб ишлай бошлади. Бу кўпгина имкониятларни юзага чиқармоқда. Жумладан, корхона қошида «Мотор» кооперативи очилди. Бу ерда ҳамма турдаги автомобилга техник хизмат, мотор ремонти, бўяш, умуман автомобиль билан боғлиқ ҳамма иш амалга оширилмоқда. Коллектив 9 кишидан иборат. Ойига 14 минг сўмлик техник хизмат кўрсатади.

⊙

Корхонанинг ҳар бир ютуғи инсон омилига келиб тақалади.. Қолаверса, ишчига яратилган қулайликлар самарали ютуқлар омили бўляпти.

— Корхонамиз коллективидан 126 ишчига янги квартиралар калити топширилди, — дейди корхона партия ташкилоти секретари Х. Араббоев. — С. Раҳимов районининг Дадабоев кўчасида иккита 80 квартирали 9 қаватли турар жой биносига ишчиларимиз кўчиб кирди. Бизнинг буюртмамиз асосида бунёдкорлик ишларини 2-уйсозлик комбинатига қарашли 4-қурилиш бошқармаси коллективи олиб борди. Биз бу йил ҳам ана шундай уйлардан яна бирини қурдирмоқчимиз.

**Д. ОБЛАЕВ.**

⊙ (Собир Раҳимов районига бағишланган бошқа материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз).

ТОШКЕНТ

Шаҳримиз қандай бўлиши керак?

# *Ҳамманинг дилидаги гап*

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва 1991—1995 йилларда шаҳарнинг тарихий районлари реконструкциясини жадаллаштириш бўйича биринчи навбатдаги тадбирлари ҳақида қабул қилган қарорининг кенг меҳнаткашлар эътиборига ҳавола этилиши партия ва ҳукуматимизнинг аҳоли фаровонлигини ошириш йўлида қилаётган ғамхўрлигининг яна бир ёрқин мисоли, ҳамманинг дилидаги гап бўлди. Шу муносабат билан мухбиримиз жойларда бўлиб депутатлар ва ишчи-қурувчилар диққатини ана шу ҳужжатга қаратди.**

— Ушбу қарорнинг бўлажак сайловларга номзодлар кўрсатиш давом этаётган бир пайтда эълон қилиниши айни муддао бўлди, — дейди бизга шаҳар Советининг депутати К. Рустамова. — Чунки номзодлар сайловчилар ўртасида ўз программаларини баён этишда ана шу ҳужжатдан фойдаланишлари мумкин. Унда турмушнинг барча қирралари қамраб олинган.

Қарорда беш йиллик мобайнида амалга ошириладиган ишлар программаси акс этган. Жумладан, биргина шаҳримизда 7.600 минг квадрат метр ҳажмдаги уй-жой майдонларини қуриш белгиланган. Унинг 460 минг квадрат метри реконструкция зонасида, 700 минг квадрат метри якка тартибдаги қурилишлар йўли билан бунёд этилади. 730 минг квадрат метр уй-жойлар эса корхона ва ташкилотлар кучи эвазига қурилади.

Шунингдек, қарорда болалар муассасалари қурилишига эътибор кучайтирилиши таъкидлаб ўтилган. Буни биринчидан болали аёллар меҳнатини енгиллаштириш, иккинчидан, ёш авлод учун қилинаётган ғамхўрлик намунаси деб тушунмоқ керак. Ҳужжатда беш йиллик давомида 38.200 ўринли мактабгача болалар муассасалари қурилишининг белгиланиши юқоридаги фикрнинг исботидир. Қарорда мактаблар, поликлиникалар, клуб ва маданият уйлари, театрлар, кутубхоналар, қариялар уйлари, савдо объектлари, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари қурилиши ҳажмлари ҳам аниқ белгилаб берилган. Уй-жой майдони жон бошига ҳисоблаганда 5 квадрат метрдан кам келадиган, район ижроия комитетларида уй олиш 1987 йил 1 январга қадар навбатда турган барча оилаларни 1992 йилга қадар квартира билан таъминланиши эса кўпчилик дилидаги гап бўлди. Шунингдек, қарорда ҳисобга олингандан сўнг икки йил мобайнида Қаҳрамон оналар ва меҳнат ногиронлари уй-жой билан таъминланиши ҳам белгилаб қўйилган.

Ҳужжатда шаҳар аҳолисининг электр транспортига бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган бир қатор тадбирлар ҳам белгиланган.

— Қарорни оиламиз билан ўқиб ўрганиб чиқдик, — дейди «Миконд» заводи ишчиси К. Матмусаев. — Бизнинг оила Собир Раҳимов районидаги Қорасарой кўчасида жойлашгани учун ҳам кўпроқ қарорнинг Тошкент шаҳрининг тарихан таркиб топган районлари реконструкциясини жадаллаштиришга доир кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари ҳақидаги қисми билан қизиқдик. Айниқса, бу районларда реконструкция ишининг тезлаштирилиши, аҳолини шинам уй-жойлар, иссиқлик, газ, сув ва канализация билан таъминлашни кўзда тутилганлиги бизни хушнуд этди. Чиндан ҳам бу жойларда аҳолининг яшаш шароити оғирлашиб қолганди. Ён атроф бузилиши натижасида кўчалар ифлос, транспорт қатнови талабга жавоб бермайди. Аҳоли гоҳ газ йўқлигидан, гоҳ сувсизликдан қийналарди.

Шу нуқтаи назардан қараганда бир ой муддат ичида 1990—1995 йилларга мўлжалланган «Маҳалла» комплекс программасини тасдиқлаш, бунда шаҳарнинг тарихан таркиб топган районларининг ривожланишига эътибор беришни таклиф этилиши шу жойларда яшовчи аҳолининг кўп йиллардан бери орзиқиб кутаётган режаларининг амалга оширилаётганидан далолатдир. Яна бизни қувонтирган бир нарса, шу йилдан бошлаб уй-жойлар, ижтимоий-маданий-маиший объектларни лойиҳалаштириш, қурилишнинг аниқ муддатларини белгилаш, аҳолининг миллий анъаналари ва демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда транспорт хизматини яхшилаш, газ, иссиқлик таъминоти, канализация, телефонлаштириш, ободонлаштириш даражасини ошириш тадбирларининг белгиланишидир. Кенг миқёсда қурилиш ишларини олиб бориш учун «Тошкент тикланиш» давлат-кооператив қурилиш бирлашмасининг ташкил этилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Демак, аниқ план ва йўналишлар бор. Эндиги навбат ишга. Биз албатта, бу улкан вазифани амалга оширишда халқнинг ишончли вакиллари бўлган депутатларимизга катта умид боғлаймиз. Бўлажак депутатлар программаларидан бу ишлар ўрин олса, қурилишнинг ўз муддатларида бажарилиши улар назоратида бўлса, нур устига нур бўлур эди.

— Мен депутат деганда халқ ишончини оқлай оладиган, масалаларга давр нуқтаи-назаридан ёндошадиган, халқ дилидаги муаммони пайқай оладиган, билимдон, зукко, ишчан кишини тушунаман, — дейди «Висотстрой» трестининг қурувчиси Ғ. Ўтамуродов. — Тўғри, кейинги йилларда халқ фаровонлиги йўлида қатор тадбирлар ишлаб чиқиляпти. Қарорлар эълон қилиняпти. Бу йўналишдаги ишлар албатта депутатлар эътиборидан четда қолмаслиги керак. Улар сайловчилар манфаати йўлидаги барча хайрли ишларда бош-қош бўлишлари керак. Сайловлар арафасида эълон қилинган ҳужжатлар ва қарорлар ўз навбатида улар учун йўналиш бўлиб хизмат қилади. Демак шундай экан, ушбу қарор ҳам бўлажак депутатлар диққат-эътиборида бўлишига ишончимиз комил.

Ўзим қурувчи бўлганим учун ҳам мени аввало қарорда белгиланган қурилишлар ҳажми қизиқтирди. Ҳужжатда «Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети 34550 ўринли, шаҳар корхоналари 3.650 ўринли мактабгача болалар муассасаларини қуриб берадилар. Шунингдек, 69 минг ўринли мактаблар, бир сменада 20550 беморни қабул қиладиган поликлиникалар қурилади», дейилади. Уй-жой ва якка тартибдаги қурилишлар ҳажми ҳақида ҳам қарорда аниқ маълумотлар келтирилган.

Албатта, қурилиш ҳақидаги гаплар биз бунёдкорларга ҳам тааллуқлидир. Сўнгги вақтларда қурилишдаги сифатсизликлар ҳақидаги шикоятлар камайиб қолган бўлсада, барибир жойларда пала-партиш ишлар содир бўлиб турибди. Ахир кватира эгаси йиллар давомида кута-кута уй олса-ю, энди орзуим ушалди деганда, қатор кўнгилсизликларга дуч келса. Йўқ, бу инсофдан эмас. Эндиги қайта қуриш даврида бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Олдимизда катта сиёсий кампания — Ўзбекистон ССР халқ депутатлиги ва маҳаллий Советлар депутатлигига бўладиган сайловлар турибди. Ниятимиз бу кунга пухта тайёргарлик кўриб, уни меҳнатда юксак натижаларни қўлга киритган ҳолда кутиб олишдир. Зеро, биз юқорида сўз юритган қарорнинг бажарилиши ҳам биздан шуни тақозо этади.

**Суҳбатдош М. КОМИЛЖОНОВ.**

## Тонгги газеталарда

⊙ **КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорига биноан Пленум қатнашчиларидан бир группаси Литва ССР коммунистлари, партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари билан учрашиш учун 8 январь куни Литва республикасига келди.**

**Бугун тонгги газеталарда Пленум қатнашчиларининг республика меҳнаткашлари билан учрашувлари ҳақида ҳисобот берилган.**

⊙ **КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков бошчилигидаги совет делегацияси Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши сессиясининг 45-мажлисида қатнашиш учун 8 январь куни Москвадан Софияга жўнаб кетгани ҳақида; совет раҳбариятининг таклифига биноан Чехословакия Социалистик Республикасининг президенти Вацлав Гавел шу йил февраль ойининг бошларида Совет Иттифоқига амалий визит билан келиши ҳақида расмий хабарлар эълон қилинган.**

Газетанинг шу сонига

# «Бепул нонушта учун раҳмат»

(Репортаж)

КЕНГ ва ёруғ ошхона. Стол-стуллардан тортиб барча зарур ашёлар замон талаблари асосида жиҳозланган. Эрта тонгданоқ ошпазлар-у бошланғич синф ўқитувчилари тиним билишмайди. Шошилмаса бўлмайди, ҳали замон жажжи ўқувчилар нонушта қилгани келишади.

Дарвоқе, партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги, қолаверса қайта қуриш туфайли келажак авлоднинг соғлом, тетик вояга етишига алоҳида аҳамият бориляпти. Кеча, 9 январдан бошлаб яна бир хайрли ишга қўл урилди: пойтахтимиздаги мактабларнинг бошланғич (1—5) синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш йўлга қўйилди.

Республика партия ва ҳукумати ана шу мақсад учун 64 миллион сўмдан кўпроқ пул ажратиб, қарор қабул қилдилар.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасидан маълумот беришларича, бунинг учун 4,6 миллион сўм ажратилибди. Ёш толиби илмларга шаҳримиздаги ўнта мактаб ошхоналар комбинатлари хизмат кўрсатишади. Ошхонаси бўлмаган билим даргоҳларига эса, уларга яқин бўлган умумий овқатланиш корхоналари хизмат қилишади.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш даркор, қайсидир сабаб билан нонуштага келолмай қолган ўқувчининг ҳақи синф фондига ўтади. Йиғилган пулларни нималарга сарфлашни эса ота-оналар комитети ҳал қилади. Бу ҳам одилона қарор.

Эрталаб соат 8.30. Ленин районидаги 214-мактаб ошхонаси биринчи хўрандаларни қабул қилди. 230 ўринли ошхона биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари билан тўлди. Кичкинтойларнинг юзларида табассум, дастурхонга тортилган бутерброд, сариёғ ва қаймоқли сутни иштаҳа билан тановул қилишади. Педагог ва тарбиячилар улар атрофида парвона. Ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ташкилотчи Умида Расулова билан суҳбатлашамиз:

— Бепул нонушта ташкил қилинганидан болалар ҳам, ота-оналар ҳам жуда хурсанд, — деди У. Расулова. — Биласиз, эрталаб ҳамма ишга шошади. Барвақт кетадиганлар эса мактабга борадиган ўғли ёки қизига чой ичиришга фурсати бўлмайди. Энди катталарнинг ташвиши камайди. Билишадики, болалари оч қолишмайди. Бу — биз муаллимларга қўшимча ташвиш, масъулият юкласа-да, бажонидил бажарамиз.

Танаффусларни ҳам шунга қараб ўзгартирдик. Синфларнинг нонушта қиладиган вақтини белгиладик. Яъни, соат саккиз яримдан тўққизгача биринчи ва иккинчи синф ўқувчилари овқатланишади. Биринчи танаффусга қўнғироқ чалинганда эса қолган синфларнинг ўқувчилари нонуштага киришади. Шунинг учун ҳам бу танаффус ўн беш минут қилиб белгиланди.

— Биринчи кун қандай ўтди? Ошхона ходимлари ҳаммасини етказиб беришдими? — сўраймиз ташкилотчи ўқитувчидан.

— Кўп ишда бўлгани каби биринчи куни бир оз шошиб қолдик. Бир изга тушиб олгунимизча бундай бўлиши табиий, албатта. Озиқ-овқат масаласида эса ҳамма нарса етарли бўлди.

—Қанча бола овқатланди?

— Рўйхат бўйича 465 бола нонушта қилиши керак эди. Шундан 450 нафари келди.

...Иккинчи сменага ҳам нонушта бериб бўлинди. Ўқувчилар «раҳмат» дегança дарсга шошилдилар. Уларнинг биргина айтган «раҳмат» сўзида қанча маъно, қанча миннатдорлик туйғуси бор эди. Шогирдларининг шодликларини кўриб мураббийлар енгил тин олишди. Дарвоқе, болаларнинг шодлиги, катталарнинг шодлиги эмасми?!

**Р. БОБОМУҲАМЕДОВ.**





* * *

**Шаҳримиздаги барча мактабларда бўлгани каби кеча Киров районидаги 97-мактабда ҳам 700 дан зиёд бола 150 ўринли ошхонада икки сменада бепул овқатланди.**

**СУРАТЛАРДА: қўли ширин ошпазлар Валентина Ивановна Суркова ва Мавлуда Жамолова таом тайёрлашяпти; мактаб ошхонасида.**

**Е. Ботиров суратлари.**

